

ISLAMONLINE.UZ

Тарих



Бир жаллод ҳақида



1951 йил 13 декабрь куни МГБда «сионистлар фитнаси»ни фoш килиш давомида Варсонофьев кўчаси бурчагида жойлашган «X лабораторияси» мудири, тиббиёт хизмати ходими, полковник Григорий Майрановский хибсга олинди. Унинг вазифаси ўлимга ҳукм килинган одамларда захарларни синаб кўришдан иборат бўлган.

Сталиннинг ўлиmidан кейин озодликка чиқишни умид килиб, у Берияга ёзган хатларида ўз «хизматлари»ни таъкидлаган: «Менинг кўлларим билан Совет ҳокимиятининг бир неча ўнлаб ашаддий душманлари, жумладан, ҳар қандай турдаги (яхудий) миллатчилар йўқ килинган – бу ҳақида генерал-лейтенант П.А.Судоплатовга маълум», дея ишонтириб

айтган у ва «кудратли Ватанимиз манфаатлари йўлида» ҳар қандай топшириқларни бажаришга тайёр эканлигини маълум қилган.

Майрановский 1953 йил 6-7 август кунлари бўлиб ўтган сўроқларда хибсга олинганларда қандай захарларни синаб кўргани хакида батафсил сўзлаб берган: маргимуш ва таллий, цианли калий ва натрий каби аноорганик бирикмалардан тортиб колхицин, дигитоксин, аконитин, стрихнин каби мураккаб органик моддаларгача. Аконитин билан ўлдириш энг азобли бўлганлигини айтган ва бу захар билан ўн кишини ўлдирганлигини маълум қилган: «Айтиш жоизки, буларни эсласам, ўзимни ваҳима босиб кетади».

Майрановский унинг иши қайта кўриб чиқилишига эриша олмади — 10 йил камокда ўтирди. 1962 йил бошларида озодликка чиққач, Махачқалъада яшади ва 1964 йил ўтқир юрак етишмовчилигидан вафот этди. Оқланмаган.

Никита Петровнинг "Жаллодлар" китобидан
Абу Муслим таржимаси